



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALAR

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



2020-5

соддароқ қилиб шарҳласак, мақсадга мувофиқдир.

Дунё бўйлаб глобаллашувнинг натижаси улароқ, ёшларни турли “тоифа”ларга ажратишга уринишларни кўриб, жамият тараққиёти учун ҳар биримиз масъуллигимизни яна-да кўпроқ ҳис қилишлигимиз лозим, деб ўйлайман. Айки вақтда, бу каби маълумотлар инсонни ўйлантирмасдан қўймайди. Дунё аҳолисини ярмидан озроғи интернетдан фойдаланиши эса ҳар бир инсонни бу ҳақда жиддий ўйлаши кераклигига ишорадир. Тарихда ҳам инсонни эркинлигини бўғишга, инсонларни маълум шахс ёки гуруҳнинг манфаатларига хизмат қилдиришга интилишлар кўп бўлган. Лекин бу интилишлар, асосан, инсонларни жисмоний жиҳатдан тобе бўлишига ҳаракат эди. Ҳозирги кунда интернетга инсонлар нафақат жисмонан балки маънан ҳам тобе бўлиб бораётганлигини кўриш мумкин. Шу ўринда, қуйидаги далилга эътибор қартиш керак, деб ўйлайман. Boston Consulting Group тадқиқот маркази олиб борган изланишлар бўйича дунёнинг энг йирик тўртта мамлакати – Хитой, Бразилия, Россия ва Ҳиндистонда сўнгги йилларда интернетдан фойдаланувчилар сони 610 миллиондан ошди. 2015 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 миллиардга етди. Уларни 60 фоиздан ортиғи 35 ёшгача бўлган кишиларни ташкил қилади. Мутахассислар таъкидлашича, ҳар йили интернетдан фойдаланувчилар дунё бўйича 9 – 20 фоизга ортиб бормоқда.¹

Бугунги кунда эса бу кўрсаткичлар тобора ошмоқда. Бундай вазиятни бартараф этишнинг муҳим шарти бу мутафаккирлар илмий меросини янада кўпроқ таҳлил қилишга боғлиқ. Ёшларимиз тафаккурини донишмандлар илмий мероси билан бойитиш лозим.

Бу каби муаммолар мавжуд экан, уларга эътиборсизлик қилиш мумкин эмас. Юкоридаги муаммоларнинг ечими сифатида эса фақат ёш авлодни тўғри тарбиялаш ва уларни мустақил фикрлаш даражасини юксалтириш орқали амалга ошириш мумкин. Чунки интернетга ҳозирги кунда тўсиқ қўйишни иложи йўқ. Ёш авлодни тўғри тарбиялаш эса, асосан, ота-оналар ва таълим тизими зиммасига катта масъулият юклайди.

Мақоладан олинандиган ҳикмат шуки, кўп гапиргандан кўра, матнда келтирилган мисоллар ва тақлифларини ҳам назарий ва ҳам амалий ифодасига эътибор қаратиш лозим.

Сўзимизни маъно ва мазмунини мутолаачи ва азиз ўқувчиларнинг тафаккур тарзи ва муҳокамаси учун Жомийнинг ушбу мисраси билан яқунладик:

Замон саҳифалари – инсон умрин дафтари,

Шундайин сўзни демиш ўйга толган бир доно:

Кимки бу пок китобда яхши амали билан

Яхши номин қолдирса, ўшанинг бахти аъло.²

Бундан олинандиган маъно: *Замон саҳифалари*, яъни ўтаётган ҳар бир кунимиз, сониямиз – вақтимиз (тарих) замон саҳифаси сифатида муҳирланиб боради ва *инсон умрин дафтари*, яъни яшаган умримизни мазмуни акс итилган ҳаёт дафтари (китоби)миз тарзида шакилланиб боришига урғу берилмоқда. Бу дафтарни безаш учун *Шундайин сўзни демиш ўйга толган бир доно*: ҳаёлага толиб бутун – “Баҳористон” боғларининг ҳар бир равзаси (асардаги боғлар жаннатдаги равзаларга тенглаштирилмоқда)ни сайр этиш мақсадида *Кимки бу пок китобда яхши амали билан* ошно бўлса, яъни бу китобни ўқиб у китода акс этилган боғлардаги ахлоқ билан хулқланса, унинг хушбўй муаттар гулу-райҳонлар орқали ўзини жаннатдаги равзаларда ҳис қилган бўлади ва *Яхши номин қолдирса, ўшанинг бахти аъло* эканлигига ишора берилиши эса, бу (“Баҳористон”) боғлардаги ахлоқий фазилатларга амал қилиб, шу ахлоқ орқали шуҳрат қозонса, яхши ахлоқ соҳиби деган маънода жамиятда ўз ўрнини топса, демак, *ўшанинг бахти аъло*, деб энг улуғ мақомга лойиқлигини эътироф этмоқда. Зотан, фарзандларимизга ёшлиқдан тўғри одоб ва хулқни сингдирсак, улардан аъло бахт ва комил инсон тимолини кўриш учун замин яратган бўлаемиз.

Яқубов Фазлиддин Мухитдинович (ЎзДЖТУ Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, Email: fazliddin.vaqubov.89@mail.ru)

**СПОРТ ҚАДРИЯТЛАРИ – ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУТАХАССИСЛАРИ
ТАФАККУР ТАРЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИ СИФАТИДА**

Аннотация. Мақолада спорт қадриятларининг мазмуни ижтимоий таҳлил қилиниб, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафаккур тарзини ривожлантиришнинг инновацион-пе-

¹ А.Тўлепов, Интернетга ин кўрган ўргимчаклар. Т., 2014, 44-бет.

جاويدارحميد : غفور غلام -تالک سنی 1971 -301 صفحه

дагогик услуби сифатида аҳамияти ёритилган.

Аннотация. В статье анализируется содержание спортивных ценностей в социальном аспекте и подчеркивается важность формирования стиля мышления специалистов физической культуры и спорта как инновационного педагогического стиля.

Annotation. The article analyzes the content of sports values in the social aspect and emphasizes the importance of forming the thinking style of physical culture and sports specialists as an innovative pedagogical style.

Калит сўзлар: спорт, қадрият, спорт қадрияти, жисмоний тарбия, тафаккур, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари, спорт қадриятининг категориялари, спорт қадриятининг таъминлари.

Ключевые слова: спорт, ценность, спортивная ценность, физическое воспитание, менталитет, специалисты по физическому воспитанию и спорту, категории спортивных ценностей, принципы спортивной ценности.

Key words: sports, value, sports value, physical culture, mentality, specialists in physical education and sports, categories of sports value, principles of sports value.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгариш ва ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, аввало, бозор иқтисодиёти шароитида мустаҳкам билимга эга, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи ва ички сиёсати йўналишларини тушунадиган, таҳлил эта оладиган ёш ва ташаббускор кадрларга боғлиқ. Бу борада жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош кадрлар сифатида тарбиялаш ҳамда уларнинг тафаккур тарзини ривожлантириш долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадидан келиб чиқилган қарорда “жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг барча босқичларида спорт маҳоратидан сабоқ беришнинг инновацион методикаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказиш”¹ муҳим амалий ишлардан деб кўрсатилган. Шу йўналишдан келиб чиқиб, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини “Спорт қадриятлари”дан фойдаланган ҳолда ривожлантириш ўзига хос педагогик инновацион ёндашув бўлиб хизмат қиладди. Зеро, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ўз соҳасини билишини ривожлантириш, тафаккур тарзини такомиллаштириш учун замонавий усуллар, методик материалларнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш, синаб кўриш ва ўқув-машғулот жараёнига жорий этиш, албатта, ўз натижасини беради.

Барчамизга маълумки, “спорт – бу жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизимидир”.² Ушбу тизимда иштирок этувчилар ўз фаолиятларида маълум қоида ва принципларни яратиб бориш мобайнида жисмоний, рухий, ақлий, ахлоқий, маънавий, маданий тарбия жараёнига кириб борадилар. Шундан келиб чиқиб, қадриятнинг ўзига хос бўлган, миллий ва умуминсоний қадриятлар кесишиш нуқтасида “Спорт қадриятлари” пайдо бўлади. Айни шу хусусиятидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, “Спорт қадриятлари” бу “Универсал ҳамда умуминсоний қадриятдир”. Спорт қадриятларининг мазмун-моҳиятини тушуниш учун, биринчи навбатда, спорт мутахассислари фаолиятида қадриятларнинг ўрнини англашимиз муҳим. Чунки бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзида қадриятларнинг хусусан, спорт қадриятларининг роли аҳамиятлидир. Ушбу мутахассислар жамиятда мавжуд бўлган бирор қадриятни қабул қилиш учун, аввало, унинг ижтимоий аҳамиятини тушуниши лозим. Шундагина мазкур қадрият спорт мутахассисининг қадриятлар тизимига кириши мумкин. Бунда, биринчи навбатда, спорт қадриятларини ўзлаштириш юзага чиқади. Спорт қадриятларини ўзлаштириш – бу спорт мутахассисининг жисмоний баркамоллик соҳасидаги билимлари, ҳаракат кўник-

¹ Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги 658-сон қарори//Lex.uz

² Назаров Н. Спорт фалсафаси. Монография, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 2014, 4-бет.

малари, ўз соғлом турмуш тарзини ташкил этишга бўлган қобилияти, ижтимоий-психологик кўрсатмалар, жисмоний тарбия ва спорт фаолияти билан шуғулланишга бўлган йўналганлик билан ифодаланади. “Қадриятларга йўналтирилганлик спортчи шахси тизимида энг юқори мавкелардан бирини эгаллайди”.¹ Бу қадриятлар спортчининг хулқ-атвори ва фаолиятини тартибга солишда бошқа эҳтиёжларни ўзига бўйсундиради.

Қадриятлар инсон маънавиятида марказий ўринни эгаллар экан, бу спорт мутахассисларининг ирода, эмоционал соҳаларини ўзига бўйсундиради, барча тўсиқларни енгиб ўтишга ундайди ва асосий мақсадга айланади. Спортчининг мақсадини шакллантиришда эса манфаат муҳим ўрин тутаяди. Манфаат бу жараёнда ижтимоий қадрият тизимидан келиб чиқади. У моддий ва маънавий кўринишларда бўлади. Инсон ҳаётида интеллект, тафаккур, мақсад сингари юксак маънавий элементларнинг пайдо бўлиши, аслида, эҳтиёжларни қондириш, манфаатларни рўёбга чиқаришга интилиш туфайли юзага келган. Спорт мутахассислари фаолиятида ҳам уларнинг юксак марраларга интилишида моддий ва маънавий манфаатлар ўз ўрнига эга. Моддий манфаатлар пул мукофотлари олиш, кубокни қўлга киритиш каби шаклларда намоён бўлса, маънавий манфаатлар обрўга эга бўлиш, Ватан шарафига ҳисса қўшиш, жамоанинг обрўсини оширишга интилиш кабиларда намоён бўлади.


Спорт мутахассисларининг фаолиятидаги қадриятлар моҳиятига кўра моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган, касбий фаолияти учун бошловчи вазифасини бажарадиган, хулқ-атвори ҳамда хатти-ҳаракатларини ижтимоий муҳим мақсадга қаратадиган мотивация бўлиб ҳисобланади. Спортда мотивация – спортчининг ҳаракатини уйғотади, унинг ҳаракатини бошқаради, мақсад сари етакловчи восита бўлади, спорт фаолиятини ташкиллаштиради ҳамда фаоллик ва бардошлиликка ундайди. Буни ўзбек миллий кураши мисолида кўриб чиқамиз.

Барчамизга маълумки, ўзбек миллий кураши қадимдан аждоқларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган ва биз учун муқаддас спорт тури ҳисобланади. Ушбу спорт турини тўй, сайл ва байрам тадбирларида ўтишини кузатган бўлсангиз, даврани олиб борадиган баковул кураш томошабинлар учун қизгин ва мазмунли ўтиши учун полвонларнинг келиб чиқиши ва уларнинг полвонлар оиласидан эканлигини оммага баланд овозда таништириб боради. Қайси бир полвон заифроқ ҳаракат қиляётган бўлса, унинг қувватини яна-да оширишни кўзлаб у ҳақда мақтовли сўзларни гапира бошлайди. Натижада мусобақа қизгин кураш остида ўтади ва узок давом этади. Баковулнинг полвонлар ҳақида кетма-кет ёғдираётган мақтовли сўзлари мотивация дейилади. Юқоридаги мисолдан келиб чиқиб, спорт мотивацияси спортчининг бошқалар томонидан кучини оширувчи омил ҳамда кучли эмоционал манбаадир. Демак, спортда мотивация – жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг муваффақиятлари учун энг асосий турки ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, спорт мотивацияси ўз-ўзидан спорт қадриятларининг мазмунини яна-да бойитади. Спорт мутахассисларининг фаолиятида қадриятларни уч турга бўлиш мумкин:

Спорт мутахассисларининг фаолиятидаги қадриятлар тизими		
Мотив қадриятлар	Мақсад қадриятлар	Қадриятга айланган шарт-шароитлар
Спорт мутахассисининг спортнинг маълум турига кириб келиши ва фаолиятини бошлаш жараёнида шаклланади.	Спорт мутахассиси ўзининг бутун фаолиятини бош мақсадидан келиб чиқиб белгилайди ва шу асосида ўзининг ҳаракатларини баҳолаб боради.	Машқ ёки мусобақа ўтказилаётган муҳит, мусобақа қоидалари, назорат шакллари.

Ижтимоий тараққиёт натижасида инсоният ўзи учун аҳамиятли бўлган, ўзининг манфаат ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган барча моддий-маънавий бойликларни қадрлаб келмоқда. Бу жараёнда у ўзгариб, такомиллашмоқда. “Спорт қадриятлари” ҳам ана шундай ижтимоий характердаги қадриятларнинг соҳавий тури ҳисобланади. Бизнингча, “Спорт қадриятлари”нинг мазмун-моҳияти қуйидагича намоён бўлади:

¹ Шопулатов А.Н. Спорт социологияси. Ўқув қўлланма, Т., ЎзДЖТИ нашриёти, 2017, 26-бет.



Спорт қадриятларида инсоният учун умумий қабул қилинган ҳақиқат, ўзаро ҳурмат, жамоада ишлаш, жасорат, дўстлик, қатъият, адолат, ҳалоллик, мукамалликка интилиш, мағрурлик, толе-рантлик, эзгулик қаби асосий тушунчалар ҳамда тинчликпарварлик, ватанпарварлик, бирдамлик, инсонпарварлик қаби принциплар мавжуд. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёр-лашда “Спорт қадриятлари”ни тушунтириш ҳамда уларга амал қилишни ўргатиш учун биз ушбу ёндашувни таклиф этамиз. Бунинг натижасида уларнинг тафаккур тарзида қуйидагича прогрессив ўзгаришлар юзага чиқади:

№	Спорт қадриятининг асосий тушунчалари ва тамойиллари	Спорт қадрияти тушунчалари ва тамойилларнинг спортдаги мазмуни	Спорт қадрияти тушунчалари ва тамойилларнинг спорт мутахассисларининг тафаккур тарзига таъсири
1	Ҳалоллик	Ғалабанинг асосий шарт	Ахлоқий тафаккур услубини пайдо қи-лади
2	Жасорат	Спортчининг бор куч им-кониятини намоёйиши	Прагматик тафаккурни ривожланти-ради
3	Толерантлик	Рақибга нисбатан бағри-кенглик	Инсонийлик қиёфасини сақлаб ту-ради
4	Жамоада ишлаш	Интерфаол ҳаракат	Эгоизмга қарши иммунитетни шакл-лантиради
5	Инсонпарварлик	Спорт этикасининг асоси	Дунёқарашни кенгайтиради
6	Солидаризм	Бирдамлик	Турли вазиятларда ўзаро ҳамкорликни шакллантиради
7	Ватанпарварлик	Спортчининг фуқаролик позицияси асоси	Дахлдорлик ва масъулиятни уйғотади

Мухтасар қилиб айтганда, бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларига спорт қад-риятларининг мазмунини чуқурроқ аниқлаш ҳамда уларга қатъий амал қилишга ўргатиш асосида уларнинг тафаккур тарзида позитив прогрессияга эришамиз.

**Nafasov Doniyor Shernafasovich (Urganch davlat universiteti Pedagogika fakulteti
tayanch (PhD) doktranti, e-mail: nafasovdoniyor@gmail.com).**

TALABALAR TURISTIK FAOLIYATINING DIDAKTIK TAMOYILLARI VA TARBIYAVIY- RIVOJLANTIRUVCHI VAZIFALARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada turizm faoliyatining tarbiyaviy vazifasi, talabalarning turistik faoliyatini tashkil etish va rivojlantirishda pedagogikaning asosiy tamoyillari, pedagogika tamoyillarini samarali amalga oshirish usullari keltirilgan.

Аннотация. В данной статье представлены образовательные цели туристической деятельности, основные принципы педагогики в организации и развитии студенческой туристической деятельности, а также пути эффективного внедрения принципов педагогики.

Annotation. This article presents the educational objectives of tourism activities and the basic

Норбоева Сарвиноз. Талабалар маънавий компетентлигини ривожлантиришга доир тарбиявий тадбирларни лойihalаш ва режалаштириш.....	99
Ахмедов Олимжон Турсунбоевич. Махсус хизматлар учун мутахассис ходимларни тайёрлашга замон талаблари асосида ёндашув.....	102
Atajanova Rabbina Raximovna. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining tasviriy san'at fanidan kreativ fikrlashlarini shakllantirishda ish daftarning ahamiyati.....	105
Шарипова Диляра Джуманиязовна, Рузметова Новваль Вахабджановна. Роль социокультурной компетенции в профессиональной подготовке студентов.....	107
Abdurahmanova Nilola. Rus tili o'qituvchisining zamonaviy ta'lim muhitidagi o'rni.....	110
Тангриберганова Гулора Адамовна. Фактор непрерывности в истории обучения иностранным языкам.....	112
Ташпулатова Сабоҳат Акбаровна, Джураева Ойша Хайитовна. Роль зеленых биологических картинок в учебном процессе.....	115

ILMIY AXBOROT

Маликов Бехзоджон Куролович. Давлат хизматини ташкил этишининг жанубий корея ва сингапур тажрибаси.....	118
Уралова Ойсулув. “Оила” тушунчаси ва унинг халқ мақолларидаги ифодаси.....	121
Наврузов Сапарбой, Саидова Санобар. Педагог Сухомлинскийнинг “Шодлик” мактаби.....	125
Ibaydullayev Temur Gaybullayevich. O'zbek libosi tarixining rivojlanish bosqichlari.....	127
Ахатов Лутфилло Караматиллоевич. Жомий илмий мероси талкинида ёшлар тарбияси.....	131
Якубов Фазлиддин Мухитдинович. Спорт кадриятлари – жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафаккур тарзини ривожлантириш услуги сифатида.....	133
Nafasov Doniyor Shernafasovich. Talabalar turistik faoliyatining didaktik tamoyillari va tarbiyaviy-rivojlantiruvchi vazifalari.....	136
Анорбоева Ирода Ориповна, Эсонбоева Назира Муродбек кизи. Француз ва ўзбек тилларида такрорий номинация –изчиллик категорияси бирлиги сифатида.....	139
Burieva Umida Abdumuminovna. Diskurs analiz tarixi.....	142
Исакова Гузалхон Нейматовна. Ёлгон тушунчасининг образли ифодаланишида қанотли сўзларнинг ўрни.....	144
Джафарова Дилдора Илхамовна, Курбонова Гулсара Содиковна. Француз ва ўзбек тилларида мавжуд фразеологик бирликларнинг тарихий воқеаларбилан боғлиқлиги.....	147
Xudoyberganov Ravshan Yusupovich, Sultonova Dildora Azamat qizi. Oshiq Erkin ijodida noadabiy qatlam.....	149
Ochilova Nilufar O'limasovna. O'zbek adabiyotida “Ot” obrazi yaratilgan asarlarga xos xususiyatlar.....	152
Облокулова Мастура Мизроровна. Байроннинг “Stanzas for music” шеъри услубий хусусиятлари.....	154
Сафарова Зилола Толибовна. Худойберди Тўхтабоев ижодида етим бола образи ички кечинмаларининг тахлили.....	157
Нуриддинов Шахобиддин Бабаярович. Комил Хоразмий “Девон”и манбаларинингкиёсий тахлиliga доир айрим мулохазалар.....	162
Ergashova Mubayyo, Mamatqulova Muazzam. A.Oripovning metafora va antitezadan foydalanish mahorati.....	165
Киличева Мехринисо Ражабовна. Жаҳон адабиётида ёлғизлик мотиви талқини.....	168
Masharipova Yulduz Otaxanovna. Tarjima amaliyotida leksik transformatsiyalarning ahamiyati.....	170
Махмараимова Шохиста Тухташевна. Метафора как когнитивная модель и эмоциональный феномен авторской картины мира.....	173
Бобокалонов Пулатшоҳ Рамазонович. Значения канонических слов-предложений в духе толерантности.....	177
Тян Наталья Викторовна. О методах описания скифо-европейских лексических изоглосс В.И.Абаевым.....	180
Рузметов Сурожбек Аллаберганович, Джумабаева Зебо Давронбековна. Об англицизмах в русском и узбекском языках.....	183
Мирсагатов Дилором. Этимология продуктивных существительных и способы их образования в английском языке.....	186
Татьяна Анатольевна Бушуй. Сфера туризма как одна из ведущих проблем взаимосвязи языка и нации.....	191
Masharipova Leninza Axmedjanovna, Mavlonova Hurshida Hudayberganovna, Radjapova Nafisa Muminjanovna. The Notion of Changeability and How the Meanings Can Be Substituted in a Language.....	195